

**ФАРГОНА ВИЛОЯТИ ПАРРАНДАЧИЛИК КОРХОНАСИДА ОҚАВА СУВЛАРИНИ ТОЗАЛАШНИНГ БИОТЕХНОЛОГИК АСОСЛАРИ**

*Дадабоева Озодахон Савриддин қизи*

Фарғона Давлат Университети Биотехнология йўналиши 1- босқич магистранти

*<https://doi.org/10.5281/zenodo.6634410>*

**Аннотация.** Уибу мақола Фарғона вилоятида жойлашган паррандачилик корхоналарида ажралиб чиқадиган оқава сувларини сув ўти пистия (*Pistiya stratiotes 4*) дан фойдаланиб тозалаши хақида маълумот келтирилган.

**Калим сўзи:** Паррандачилик корхонаси, оқава сув, водопровод суви, сувда эриган кислород, биокимёвий сарфланиши.

**БИОТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОЧИСТКИ СТОЧНЫХ ВОД  
ПТИЦЕФЕРМЫ ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ**

**Аннотация.** В данной статье представлена информация об очистке сточных вод птицефабрик Ферганской области с использованием водной фисташки (*Pistiya stratiotes 4*).

**Ключевые слова:** Птица, сточные воды, водопроводная вода, растворенный в воде кислород, биохимическое потребление.

**BIOTECHNOLOGICAL FUNDAMENTALS OF WASTEWATER TREATMENT  
AT POULTRY FARM IN FERGANA REGION**

**Abstract.** This article provides information on the treatment of wastewater from poultry farms in Fergana region using water pistachios (*Pistiya stratiotes 4*).

**Keywords:** Poultry, wastewater, tap water, dissolved oxygen in water, biochemical consumption.

### **КИРИШ**

Бугунги кунда дунё миқёсида сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш, сув ҳавзаларининг ҳар хил чиқиндилар билан ифлосланиш даражаси ортиб бориши билан боғлиқ бўлган экологик муаммолар атроф-муҳитга ва аҳоли саломатлигига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шунинг учун, табиий ва сунъий сув ҳавзаларига аҳоли турар жойларидан, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналаридан чиқадиган сувлар тозаланмасдан бевосита оқава сувларга айланниб бормоқда. Шу ўринда, чиқинди сувларни самарали тозалаш усувларини янада такомиллаштириш ҳамда бундай сувлардан самарали фойдаланиш тизимини яратиш ва уни амалиётга жорий этиш бўйича катта эътибор берилмоқда.

Жаҳонда ҳар хил чиқиндилар билан ифлосланган сувлар таркибида заарли бирикмаларнинг кўп бўлиши аҳоли соғлиғи ва экологик мувозанатни бузилиши туфайли сувларни биологик усувлардан фойдаланиб тозалаш ва тозаланган сувлардан қайта фойдаланиш имкониятларини яратиш, балиқчилик фермер хўжаликларининг балиқ маҳсулдорлигини ошириш учун уларнинг озуқа рационини ўрганиш ҳамда сув ўсимликлари биомассасини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда. Тоза сув сарфини камайтириш орқали чиқарилаётган оқава сувларни иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган усувлардан фойдаланиш, оқава сувларнинг ҳосил бўлиш жараёни ва таркибида биологик фаол моддаларга бой бўлган макрофит ўсимликлар ёрдамида бундай

сувларни тозалаш даражалатини аниқлаш ва хусусиятларини тадқиқ қилиш орқали ундан халқ хўжалиги соҳасида самарали қайта фойдаланиш, озуқабоп бўлган юксак ўсимликлар турларини кўпайтириш ва уларни биомасса олиш, олинган биомассани балиқларга кўшимча озуқа сифатида қўллаш ва балиқ маҳсулдорлигини ошириш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Пистия сув юзасида қалқиб ўсувчи, қисқарган пояли, барглари ясси эшкаксимон ўсимликдир. Интродуксия шароитида бўйи 20-40 см гача етади. Илдиз бўғзидан чиқкан барглари қалин боғлам ҳосил қилиб, юқори қисми яшил, бўйламада чизиқсимон чукур излар мавжуд. Баргларининг бутун сатҳи қалин, кўп хужайрали, шаффоф тукчалар билан қопланган. Ўсимлик баргларида аэренихима тўқималари яхши ривожланганлиги сабабли, сув юзасида қалқиб ўцади. Пистиянинг илдиз тизими попуксимон, узунлиги 50-60 см бўлиб, кўп тукчалар билан қопланган.

Оқова сувлар (саноат корхоналари, майший корхоналар ва турар жойлардан чиқадиган ифлос сувлар) ва ёғин сувларни тозалаш масалалари табиатни маҳофаза қилишнинг муҳим бир қисми ҳисобланади. Оқова сувлар таркибидаги балчик, коллоид ва эриган моддалар тиндиригичларда чўқтирилади, заарарли моддалар биологик ва биотехнологик усулларда заарсизлантирилади. Корхоналардан чиқаётган сувлар маҳсус тозалаш жойларида тозаланади. Сувни тозалашнинг физиккимёвий, термик ва бошқа усуллари ҳам бор. Лекин биотехнологик усул энг заарсиз ва табиий усул ҳисобланади.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Ушбу мақоламиизда Фарғона вилоятида жойлашган паррандачилик корхоналаридан ажralиб чиқадиган оқава сувларини сув ўти пистия ( Пистия стратиотес 4 ) дан фойдаланиб тозалаш хақида фикр юритамиз.

Паррандачилик корхоналарида паррандаларга турли хил кимёвий қўшимчалари бўлган маҳсулотлар берилади, суний ёритувчи чироқлар, суний иситиш усуллари кўлланилади. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пистия ( Пистия стратиотес 1 ) ўсимлигини паррандачилик корхонасидан ажralиб чиқадиган оқава сувларига экилиб кузатилиади. Пислия фаоллик билан ривожланиб, кўп микдорда ўсимлик биомасса ҳосил қилиши билан бир қаторда органоминерал моддалардан тозалаш даражаси аниқланган.

Пистия ( Пистия стратиотес 4 ) ўсимлигининг оқава сувларда ўсиши, ривожланиши ҳамда оқава сувларини тозалаш даражаси илмий жихатдан асосланганлиги билан изохланади.

Тадқиқод натижасида сувда эриган кислород 95 % га ошганлиги, амиак, нитратлар 94-97 % га камайганлиги, Биокимёвий сарфланиш натижаларида сувлар тозаланиб, тозаланиш самарадорлиги 96 % га ўшиш имконини беради.

### **МУҲОКАМА**

Пистия (Пистия стратиотес L., Арацеаэ ), эйхорния (Эичхорпия црассипес Солмс., Поптедериацеаэ) ва азолла (Азолла царолипиапа Виллд., сем. Азоллацеаэ) сув бетида қалқиб ўсувчи, кўп йиллик ўсимликлар бўлиб, тропик ва субтропик минтақаларда кенг тарқалган. Ҳозирги пайтда мазкур ўсимликлар Ўзбекистон шароитига муваффақиятли интродуксия қилинган.

Олиб борилган гидрокимёвий ва микробиологик тадқиқотларимиз натижаларига кўра, турли оқова сувларни 12-15 суткада тўлиқ биологик тозалashi мумкин. Бу вақт ичида сапрофит микроорганизмлар сони минг мартагача, ичак таёқчалари гурухи бактериялари эса уч-тўрт кундан кейин умуман учрамайди. Сув таркибидаги микрофлоранинг миқдори кескин камайиб, ўсимлик ва ҳайвонлар учун патоген ҳисобланган микроскопик замбуруғлар йўқолиб кетади. Сувнинг физикавий ва кимёвий кўрсаткичлари яхшиланади, яъни сувнинг оксидланиши даражаси камаяди, сувдаги азот ва фосфор ионлари ўсимликлар томонидан деярли тўла ўзлаштирилади, сувда эриган кислород миқдори кўпаяди, оқова сув тиниқлашади ва қўланса ҳиди йўқолади.

Пистия, эйхорния ва азолла ёрдамида тозалаган сувни техник мақсадларда, яъни молхоналарни ювишда, қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда, каноп поясини ивitiшда ёки балиқчилик ҳовузларига ва очиқ сув ҳавзаларига чиқариб юбориш мумкин.

Гидрокимёвий ва микробиологик тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, турли оқова сувларни 12-15 суткада тўлиқ биологик тозалashi мумкин...

Оқова сувларни биологик тозалашнинг экологик хавфсиз ва иқтисодий арzon ҳамда самарали усууларини яратиш сув ресурсларини муҳофаза қилишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Оқова сувларни тозалашнинг турли методлари мавжуд. Ҳозирги даврда оқова сувларни тозалашнинг биологик методи, яъни, юксак сув ва сув-боткоқ ўсимликлари ёрдамида тозалаш тавсия қилинади.

Кўп йиллик илмий тадқиқотларимиз натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналари (корамолларни бўрдоқига боқиши комплекслари, паррандачилик) ва саноат корхоналари (канопни қайта ишлаш, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, биокимё, ёғ-мой корхоналари, пиллачилик корхоналари, тўқимачилик саноати) ва коммунал-хўжалик оқова сувларини органо-минерал моддалардан, оғир металлардан, сианиллардан, нефт маҳсулотларидан ҳамда патоген микроорганизмлардан юксак сув ўсимликлари — пистия, эйхорния ва азолла ёрдамида биологик тозалашнинг янги самарали биотехнологияси яратилди.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда сув ҳавзаларини захарли кимёвий моддаларидан тозалаш учун биотехнологик услублар қўлланилди. Микрофитлардан Пистия ( Пистия стратиотес 2 ) қўлланилиб, паррандачилик оқава сувларидан ўсиши ривожланиши, кўпайиши ва сувларни органо-минерал моддаларидан тозалаши аниқланди.

### *Фойдаланилган адабиётлар рўйхати*

1. Родионов А.И., Клушин Б.Х., Систер В.Г. Технологические процессы экологической безопасности/ Основы энвайрон- менталистики — Калуга: Издательство Н.Бочкаревой, 2000.
2. Марцул В.Н., Капориков В.П. Технические основы охраны окружающей среды. Минск. БГТУ, 2005.
3. Аширов А. Ионообменная очистка сточных вод, растворов и газов. М.: Химия, 1983.
4. А. Эргашев, Ш. Отабоев, Р. Шарипов, Т. Эргашев. Сувнинг инсон ҳаётидаги экологик моҳияти. Т.: Фан, 2009.
5. С. Қосимова, Ш. Шокирова. Атроф-муҳит муҳофазаси, Т.: 2005.
6. Очистка сточных вод. Опыт зарубежного строительства. Москва. 2002.

7. Яковлев С.В., Карелин Я.А., Ласков Ю.М., Калицун В.И. Водоотведение и очистка сточных вод. — Учебник для ВУЗов — Москва: Стройиздат, 1996.
8. Интернет маълумотлари